

2-1-2018

## THE IMPORTANCE OF ACCUMULATIVE PENSION SYSTEM IN THE DEVELOPMENT OF THE PENSION SYSTEM

F. Ametova  
*Tashkent Financial institute*

B. Boyev  
*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Ametova, F. and Boyev, B. (2018) "THE IMPORTANCE OF ACCUMULATIVE PENSION SYSTEM IN THE DEVELOPMENT OF THE PENSION SYSTEM," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 3.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

**Аметова Ф.Р. – ТМИ,  
ўқитувчи,  
Боев Б.Ж. – ТМИ,  
ўқитувчи**

## **ПЕНСИЯ ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Мақолада пенсия таъминоти тизимларининг моҳияти, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда пенсия тизимининг аҳамияти ва жамғариб бориладиган пенсия тизими тараққиёти ўрганилган, шунингдек, хорижий мамлакатларда жамғариб бориладиган пенсия тизими ривожланиши ва амалиёти таҳлили асосида мамлакатимиз пенсия тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** пенсия таъминоти, жамғариб бориладиган пенсия тизими, пенсия ва нафақалар, ижтимоий сиёсат, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, шахсий ҳисобрақам, нодавлат пенсия фондлари, пенсия тизими тараққиёти.

В статье изучаются роль пенсионного обеспечения в социальной системе, вопросы финансового контроля и мониторинга системы пенсионного обеспечения нашей страны, этапы развития национального пенсионного фонда, на основе анализа доходов и расходов пенсионной системы разработаны рекомендации совершенствования управления пенсионного обеспечения.

**Ключевые слова:** пенсионное обеспечение, накопительная пенсионная система, пенсии и пособия, социальная политика, экономический-социальные реформы, личный счет, негосударственные пенсионные фонды, развитие пенсионной системы.

In the article, there are studied the role of pension provision in the social system, the issues of financial control and monitoring of pension provision system of our country, development stages of national pension fund, as well based on analysis of revenues and expenditures of pension system developed recommendations of improvement of pension provision control.


**Key words:** pension provision, accumulative pension system, pensions and benefits, social policy, economic-social reforms, personal account, non-state pension funds, development of pension system.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг босқичма-босқичлиги, изчиллиги, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги, унинг сиёсатдан устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, қонун устуворлиги ва давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролининг мустаҳкамланиши тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосий тамойиллари ҳисобланади. Мустақиллик йилларида шаклланган ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларга барҳам бериш, ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга ёрдам беришдан иборат. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “...нуронийларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жумладан, пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотни яхшилаш, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат қўмагини кучайтириш бундан кейин ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади” [1], деб таъкидлаганлари мамлакатимизда ижтимоий сиёсатнинг нақадар кучли юритилаётганидан дарак беради.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий таъминот, ижтимоий ҳимоя муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий таъминотнинг асосий бўғини бўлиб эса пенсия таъминоти ҳисобланади. Пенсия таъминоти тизими бу фуқароларнинг меҳнат қобилиятини йўқотганда, ногиронлик ҳолатларида, боқувчисини йўқотганда кўрсатиладиган моддий ижтимоий таъминот бўлиб ҳисобланади. Шу даврга қадар бутун жаҳон мамлакатлари миқёсида пенсия таъминоти тизимининг тақсимлаш ва жамғариб бориш тамойилларига асосланган иккита модели амал қилиб келмоқда.

Тақсимлаш тамойилга асосланган пенсия таъминоти тизимида ҳозирда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ёш, меҳнатга қобилиятли авлод ҳозирги пенсия ёшидаги аҳоли қатламини таъминлашда бевосита иштирок этадилар, яъни улар тўлаган бадалларини пенсия фондида йиғиш ва қайта тақсимлаш асосида пенсиялар молиялаштирилади.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида фуқаро ўзи учун, келажакда меҳнат қобилиятини йўқотганда моддий таъминотга эга бўлиши учун пенсия тўловларининг шахсий пенсия ҳисобварағида жамғарилишидир.



#### 4-расм. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизими[2]

Жамғариб бориладиган тизим ҳам пенсия жамғармалари миқдорига боғлиқ. Бироқ таъминот қисмидан фарқли ўлароқ мазкур пенсия жамғармалари нафақат иш берувчи тўлаган солиқлар суммасидан таркиб топади, балки бу маблағларни ҳар хил инвестицион воситалар ёрдамида кўпайтирадиган нодавлат пенсия жамғармаси ёки бошқарувчи компаниянинг танланишига ҳам муайян даражада боғлиқ бўлади. Пенсия тайинлангандан сўнг жамғариб бориладиган қисмининг миқдори ҳар йили инвестициялашдан олинган даромадларни ҳисобга олган ҳолда индексация қилиб борилади.

Президентимиз томонидан 2017-йил феврал ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармонида асосан 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Устувор йўналишлардан тўртинчиси “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланиб, ушбу йўналишда[3]: бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда босқичма-босқич ошириш; аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли

ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш каби долзарб масалалар белгиланган.

Мамлакатимиздаги пенсия таъминоти афзалликлари ҳақида гапирганда, шуни алоҳида қайд этиш керакки, хорижий давлатларда пенсия тизими асосан шахсий жамғариб бориладиган бадалларга таянади. Бугунги кунда, глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари сабабли, айрим шахсий жамғариб бориладиган тизимда бадалларни кўпайтириш ва нафақаларни камайтиришни кўзда тутадиган капитал тузилмани ўзгартириш режалари қабул қилинган. Баъзи Европа давлатларида алоҳида ҳисобрақамларга эга жамғариб бориладиган пенсия тизимига тўланадиган бадаллар вақтинчалик камайтирилиб, давомли тақчилликни компенсация қилиш мақсадида, давлат даражасидаги тизимга ўтказилган. Бунинг асосий сабаби бадалларнинг ҳозирги камайишини уларни келажакда ошириш ҳисобидан қоплаш ҳисобланади.

Шунинг учун, Ўзбекистон пенсия таъминотининг асосий афзаллиги иқтисодиётимизнинг изчил ривожланиши шароитида унинг даромадлари барқарорлиги, салбий молиявий ўзгаришлардан ишончли ҳимоялангани, шунингдек, давлат томонидан кафолатланган пенсияларнинг ўз вақтида тўланаётганидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида асосан қабул қилинган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 203-бандига асосан жорий йилнинг 2-чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнат стажини ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта тўловлари даврийлигини рўйхатга олиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш кўзда тутилган эди. Ушбу лойиҳа доирасида 2017-йил 4-июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини электрон ҳисобга олишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу қарор қабул қилиниши натижасида республикамизда меҳнат стажини электрон тарзда рўйхатга олиш ҳамда давлат ижтимоий суғурта тўловларини амалга оширувчи жисмоний шахсларнинг ягона реестрини юритиш имкони яратилди. Қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг жисмоний шахсларнинг меҳнат

стажларини электрон ҳисобга олишга 2018-йил 1-январдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорларни, деҳқон хўжаликлари аъзоларини, қорамол ўстириш ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётган шахсларни ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бошқа субъектлари, 2019-йил 1-январдан бошлаб қолган ташкилотлар босқичма-босқич ўтиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, 2019-йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан биргаликда фуқароларга меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича давлат интерактив хизматлари кўрсатишнинг ягона портали орқали тақдим этишни жорий қилиш вазифа қилиб белгиланди.

Хорижий мамлакатларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимига назар соладиган бўлсак, Нидерландияда биринчи жамғариб бориладиган пенсия фонди 1845-йилда ташкил этилган. Бу темир йўл қурилишида ишловчиларнинг фонди бўлган. Шунингдек бир қатор жамғариб борилувчи пенсия фондлари жамоавий иштирокчилар ва таваккалчилик асосида ташкил этилган. Асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейин пенсия фондининг қишлоқ хўжалиги соҳаси учун ташкил этилиши, яъни бу соҳада ярим миллиондан ортиқ қатнашувчи мавжудлигини инобатга олиб, Немис ҳукумати жамғариб борилувчи пенсия таъминотининг қонунчилигини шакллантиришга эътибор қаратади. Қишлоқ хўжалиги соҳаси асосан кам даромадли ишчилардан ҳамда саноатнинг барча соҳалари учун ихтиёрий пенсия тизимини тартибга солиш анча қийин бўлган кичик корхоналардан иборат эди. Натижада 1949-йилдан бошлаб кенг саноатлашган жамғариб борилувчи пенсия фондида алоҳида қатнашувчи саноатлар учун мажбурий тартибда ўрнатилди, бу қонунчилик 2000-йилгача амалда қўлланилиб келди .

Мамлакатда пенсия дастурларини ташкил этиш ёки унда қатнашиш учун ташкилотларни рағбатлантиришда ҳукумат пенсия жамғармаларини янада жозибалироқ бўлиши учун мажбурий келишувларни тақдим этди. Мисол учун, пенсия бадалларига солиқ солинмайдиган, солиқдан озод қилиш имтиёзи, пенсия активларидан тушган даромаднинг солиқдан озод қилиниши, бунда тўланган пенсия пулларидан фойда солиққа тортилади. Пенсияга чиқиш даври учун солиққа тортишнинг кечиктирилиши орқали иштирокчи ҳақиқатда пенсия фойдасидан паст миқдорда солиқ тўлайди, чунки у ижтимоий ҳимоя бадалларининг

кўпчилигидан озод қилинган. Бироқ, бу имтиёз фақатгина пенсия жамғармаларининг маълум бир кириш қисмигача амалга оширилади. Қачондир кимнингдир жамғарилган пенсияси ушбу кириш қисмдан юқори бўлса, барча пенсия тўловлари бўйича солиқ тўланиши керак бўлган, ёки ушбу кириш қисмдан юқори қисми алоҳида пенсия дастурига киритилиши керак, тўғри солиқлар эса фақат унинг қолган қисми учунгина ундирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш, уни тараққий эттириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар барча жабҳаларни, жумладан, пенсия таъминоти тизимини ҳам қамраб олади. Чунки барча ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий аҳволини яхшилашга қаратилгандир. Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Нисбатан замонавий ва самарали пенсия тизимларидан бири жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳисобланади. Бироқ, шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, Ўзбекистонда жамғарма пенсия маблағларидан инвестицион йўналишларда фойдаланишда бир қатор муаммолар мавжуд ва жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда қуйидаги вазифаларнинг ҳал этиш зарур ҳисобланади:

– пенсия ёшидаги одамларнинг даромадларини самарали ва адолатли тарзда сақланишини таъминлаш, тўланадиган пенсия бадаллари ва бериладиган пенсия миқдорлари ўртасидаги боғлиқлик даражасини ошириш, узоқ муддатли маблағлардан инвестицион йўналишларда фойдаланишни ривожлантириш ва шу орқали фуқароларни даромадларини янада ошириш мумкин бўлади;

– ижтимоий йўналтирилган имтиёзларнинг манзиллилигини таъминлаш мақсадида ишловчи пенсионерларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммаларига нисбатан солиқ солинадиган даромаддан бериладиган чегирмаларни бекор қилиш ушбу муаммонинг ижобий ҳал этилишини таъминлаши мумкин;

– аҳоли даромадларини ошириш орқали, банклардаги жамғармаларни кўпайтириш – аҳоли ўзининг ойлик маошидан жамғариб борадиган бўлса, қариганда ёки меҳнат қобилятини йўқотганда жамғармаларидан келадиган ойлик даромадлари унинг эҳтиёжларини қисман қоплашига ёрдам беради. Бунинг учун эса биринчи навбатда аҳолининг пенсияга бўлган муҳтожлигини кескин қисқартириш-ҳар бир бўлажак пенсионерларнинг ўз тадбиркорликларини ташкил

қилишга кўмаклашиш, яъни ҳар бир фуқаро расмий ишлаётган иши билан бирга узоқ муддат даромад келтирадиган кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин бўлади;

– республикамизда пенсия тизимини молиялаштиришдаги ислохотларни бирданига амалга ошириб бўлмайди, уларни иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар билан: бандлик; меҳнат бозори, аҳоли даромадлари, солиқ, молия ва кредит соҳасидаги ислохотлар билан биргаликда амалга ошириш самарали фаолиятни таъминлаши мумкин.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган устувор йўналишларни амалиётга тадбиқ этиш, биринчидан, пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлашга, иккинчидан, пенсионерларнинг иқтисодий фаровонлигининг ошишига, учинчидан илғор пенсия фондларига эга бўлган ривожланган ва ривожланаётган давлатлар пенсия тизимларидан андоза олишга ёрдам беради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “9-май-Хотира ва кадрлаш куни”га бағишланган қабул маросимидаги нутқидан, 2017-йил 9-май.
2. Илмий-ўқув адабиётлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилган.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017-йил 7-феврал.
4. Mandatory Participation in Occupational Pension Schemes in the Netherlands and Other Countries: an Update, Damiaan H. J. Chen, Roel M. W. J. Beetsma. “Network for studies on pensions, aging and retirement”. This version: 3rd October 2015, 9-bet.
5. [www.pfru.uz](http://www.pfru.uz) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси веб сайти.
6. [www.xb.uz](http://www.xb.uz)– Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки веб сайти.